

## “Тўмарис издошлари” кўрик-танловини ташкил этиш тўғрисида

### НИЗОМ

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўқув муассасаларининг 10-11-синф қизлари ўртасида “Тўмарис издошлари” кўрик-танловини (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танловнинг асосий мақсад ва вазифалари:

юртимиз қизлари онгида тарихимиз, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромини юксалтириш;

ҳаётда доимо ғалабага интилиш ва юксак ватанпарварлик туйғусини шакллантириш;

қизларда қатъият, ирода ва шукроналик ҳамда ўз Ватанига ва илм-фанга бўлган меҳр-садоқат ҳиссини ошириш.

3. Танлов сентябрь ойидан бошлаб ўтказилади.

4. Танловни ташкил этиш ва ўтказишда қонунийлик, шаффофлик, ошкоралик, адолатлилик, тенглик каби асосий принципларга риоя қилинади.

Танлов 3 босқичда туман (шаҳар), ҳудудий ва республика босқичларида ташкил этилади. Уларни ташкил этиш ва ўтказишда Куч тузилмалари, Мактабгача таълим ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, жойлардаги оила ва хотин-қизлар бўлим ва бошқармалари масъул ҳисобланади ва назорати Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилади.

5. Танловни юқори савияда ўтказиш учун Спорт вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача таълим ва мактаб таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлиги хизмати чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ҳамкор вазирлик ва идораларнинг соҳа мутахассисларидан иборат бўлган таркибда ишчи гуруҳи тузилади.

#### 2-боб. Танловнинг мақсад ва вазифалари

6. Мамлакатимиздаги хотин-қизларнинг умуминсоний, миллий ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ватанпарвар қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш;

оилаларда қиз фарзандга бўлган эътибор ва тарбия воситаларини кучайтириш қаратилган миллий қадриятларни тарғиб қилиш;

хотин-қизларни буюк аجدодларимиз ибратли тарихи, Ватанга муҳаббат, эзгулик, раҳмдиллик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик ва фидойилик сингари халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга танлов орқали жалб этиш.

#### 3-боб. Жамоаларни ташкил қилиш

7. Республиканинг барча ўқув муассасаларида таҳсил олаётган 10-11-синф ўқувчи қизлардан иборат 1 та жамоа шакллантирилади.

8. Жамоа аъзолари сони 5 нафар бўлади, ушбу жамоаларни шакллантиришда ҳар бир ўқув муассаси раҳбари ҳамда бириктирилган Куч тузилмалари масъул ҳисобланади.

Шаклланган жамоа иштирокчилари орасидан Сардор сайланади, у жамоага бошчилик қилади. Ҳар бир жамоага бириктирилган масъуллар раҳбарлигида жамоанинг танловга тайёргарлик кўриш ишлари амалга оширилади.

9. Мусобақада қатнашувчи жамоа аъзолари ташкилий кўмигага куйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси) ва иштирокчилар рўйхати, ушбу рўйхатда маҳаллий поликлиникалар томонидан соғлом эканлигини тасдиқланиши шарт.

10. Талаб қилинган юқоридаги ҳужжатларни топширмаган ёки ҳужжатларида камчилиги мавжуд жамоа мусобақада иштирок этмайди.

11. Мусобақа шартларини баҳолашда ҳакамлар фаолиятига аралашган жамоа аъзолари ва мураббийлар жарима баллари билан жазоланади.

12. Мусобақада ўтган йилдаги республика финал босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этмайди.

#### **4-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

13. Танловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузилади (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ), танловни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширади ва танлов билан боғлиқ барча ишларни мувофиқлаштиради;

ишчи гуруҳ аъзоларини худудларга бириктиради, уларнинг танлов жараёнлари ҳамда якуний босқич ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимларида иштирок этишларини таъминлайди.

#### **14. Танловнинг туман (шаҳар), ва ҳудудий ишчи гуруҳларнинг вазифалари:**

Номзодларни баҳолаш, ғолиб ва совриндорларни аниқлаш учун мутахассислардан иборат 5 кишилик таркибда ҳакамлар ҳайъатини тасдиқлайди;

Бунда, ҳакамлар ҳайъати, қоида тариқасида, жамоат ва давлат ташкилотлари, таълим муассалари, оммавий ахборот воситалари ҳамда ташкилотлардаги фаол хотин-қизлар вакилларида шакллантирилади;

тегишли ҳужжатларни шаффофлигини текширади;

барча босқичларда 1-ўринни олиб ғолиб бўлган жамоанинг ҳужжатларини қабул қилади ва кейинги босқичда иштирок этишини таъминлайди;

танлов якунлари юзасидан баённомани расмийлаштиради.

15. Спорт вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача таълим ва мактаб таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлиги хизмати чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Божхона кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ҳамкор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилади.

16. Танлов куйидаги босқичларда ўтказилади:

**I босқич** – туман (шаҳар) босқичи бўлиб, сентябрь ойида шу босқич ҳудудидаги ўқув муассасалари жамоалари иштирок этади.

**II босқич** – ҳудудий босқичи (*Қорақалмоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри*) бўлиб, октябрь ойида туман (шаҳар) босқичида ғолиб бўлган жамоалар иштирок этади.

**III босқич** – Республика босқичи, ноябрь ойида туман (шаҳар) босқичида ғолиб бўлган жамоалар иштирок этади.

#### **5-боб. Танлов шартлари ва баҳолаш тартиби**

##### **1-шарт. Менинг онам - Малика Тўмарис сиймосида шарти.**

17. Мазкур шартда қизлар ўзларини санъат турлари (миллий рақс, шеър, кўшиқ, халқ ўйинлари)ни қўллаган ҳолда таништириши лозим. Бунда қизларга жамоа ёрдам бериши мумкин. Бу ихтиёрий. Жамоадаги асосий қатнашувчи қиз Она Тўмарис сиймосини яратиши талаб этилади.

Шунингдек, жамоа ўзининг рамзий байроғини яратиши лозим ва байроққа таъриф бериши шарт.

Рамзий байроқ хажми эни 30 см буйи 20 см бўлади.

Қатнашувчилар сони – 1 нафардан 5 нафаргача

Шарт давомийлиги: 5 дақиқাগача.

Шартни баҳолаш – 5 баллгача.

Шартда олинган умумий баллар ҳакамлар сонига бўлинади ва охириги чиққан балл шартлар бўйича иштирокчининг умумий балларига қўшилади.

## **2-шарт. “Тўмарис номидан ёшларга мурожаат!” шarti.**

18. Мазкур шартда жамоалар томонидан Тўмарис образи яратилган ҳолда унинг тилидан Ватанга садоқат, буюк аждодларимиз каби мард, ҳалол, билимли, кенг дунёқарашли бўлишга даъват қилиш, Ватанимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш, ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, улар онгида юрт тақдири ҳамда келажаги учун дахлдорлик туйғуларини кучайтириш, касбига бўлган садоқатини мустаҳкамлашга қаратилган мурожаат қилинади.

Қатнашувчилар сони – 1 нафардан 5 нафаргача

Шарт давомийлиги: 5 дақиқাগача.

Шартни баҳолаш – 5 баллгача.

Шартда олинган умумий баллар ҳакамлар сонига бўлинади ва охириги чиққан балл шартлар бўйича иштирокчининг умумий балларига қўшилади.

## **3-шарт. “Спорт эстафетаси!” шarti.**

19. “Спорт эстафетаси!” шartiда иштирокчилар 3 та мусобақада иштирок этишади. Ҳар бир мусобақа иштирокчиси кейинги иштирокчига қўл бергандан кейин навбатдаги иштирокчи кейинги шартларни бажаришга киришади.

Танловнинг ҳудудий босқичида туман (шаҳар)лари тоқ сонда бўлса 1-мусобақада охириги келган иштирокчи бор жамоа “Спорт эстафетаси!” шartини тарк этади.

Мусобақаларнинг жамоавий шаклида биринчи етиб келган иштирокчи ёки жамоа ўзидан кейин келган иштирокчи ёки жамоа билан куч синашади.

Барча шартлар яқунлангандан кейин иштирокчиларнинг натижаси ва бажарган вақтига қараб ғолиб жамоалар аниқланади.

### 1-мусобақа – 100 метр масофага югуриш.

жамоа иштирокчиларидан бир нафари 100 метр масофага югуради ва марра чизигини кесиб ўтади, маррага етиб келгач, ҳакам томонидан секундомер тўхтатилади, иштирокчининг натижаси қайд этилади.

Биринчи учталиқда етиб келган иштирокчилар тепадан пастга 5, 4 ва 3 балл билан баҳоланади.

Иштирокчи шартни яқунлаб кейинги шарт бўйича жамоадошига махсус байроқни топширади.

### 2-мусобақа – Тезкор шахмат мусобақаси.

Мусобақада шахматнинг блиц йўналиши бўйича ҳар бир жамоадан 1 нафар иштирокчи қатнашади.

3 дақиқадан 3 та партия учун 9 дақиқа вақт ажратилади.

Ҳар бир партия ғалабаси учун иштирокчиларга 2 баллдан берилади.

Ушбу жараён халқаро шахматнинг блиц йўналиши қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолатда ташкил этилади.

Иштирокчи шартни яқунлаб кейинги шарт бўйича жамоадошига махсус байроқни

топширади.

Ушбу йўналишда шахмат бўйича разрядга эга бўлаган ёш хотин-қизлар иштирок этади.

3-мусобақа – Сузиш мусобақаси.

Мусобақада ҳар бир жамоадан 2 нафар иштирокчи сузиш бўйича қатнашади.

Ушбу жараён сузиш қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолатда ташкил этилади.

Ғолибга 5 балл берилади, мағлубга балл берилмайди.

**4-шарт. Ватан мадҳи шарти.**

### **6-боб. Танлов ғолибларини мукофотлаш ва тақдирлаш**

20. Танловнинг якуний Республика босқичида 3 нафар юқори ўринни эгаллаган ҳамда 11 нафар наминациялар бўйича ғолиб бўлган ва иштирок этган жамоалар қуйидагича тақдирланади:

Жумладан:

1-ўринни эгаллаган жамоа ўқув муассасаси учун компьютер жамланмаси ҳамда танлов ғолиблари учун I даражали дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан;

2-ўринни эгаллаган жамоа ўқув муассасаси учун компьютер жамланмаси ҳамда танлов ғолиблари учун II даражали дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан;

3-ўринни эгаллаган жамоа ўқув муассасаси учун компьютер жамланмаси ҳамда танлов ғолиблари учун III даражали дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан;

Турли наминациялар бўйича ғолиб бўлган жамоалар танловда иштироки учун Ташаккурнома ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан Ёшлар ишлари агентлиги томонидан муносиб тақдирланади.

Барча иштирокчилар спорт кийимлари билан Спорт вазирлиги томонидан муносиб тақдирланади.

21. Танловнинг республика босқичида барча ҳудудлардан иштирок этадиган жамоаларнинг келиб-кетиш (транспорт) харажатлари мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан қоплаб берилади.

22. Танловнинг республика босқичида барча ҳудудлардан иштирок этадиган жамоа иштирокчиларининг танлов тугагунга қадар овқатланиши Куч тузлмалари томонидан тенг тақсимланади.

23. Жамоа иштирокчиларининг ётоқхона харажатлари Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томондан ажратилади.

24. Танловда ғолиб бўлган жамоа қизлари маҳаллалардаги ИИВ нинг “Тўмарис издошлари” гуруҳига аъзо бўлиш имтиёзига эга бўлади.

### **6-боб. Шикоятларни кўриб чиқиш тартиби**

23. Танлов натижаларидан норози бўлган жамоалар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб 1 соат ичида апелляция комиссияларига апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикояти жойида кўриб чиқилади.

24. Танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий ва Республика босқичи апелляция комиссиялари тегишлича Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари томонидан ташкил этилади.

Апелляция комиссиялари таркибига танлов комиссиялари фаолиятида иштирок этмаган шахслар киритилади.

25. Танлов натижаларидан норози бўлган жамоалар апелляция шикоятини кўриб чиқишда уларнинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин.

26. Апелляция комиссиялари етакчиларнинг апелляция шикоятини кўриб чиқиб, натижаси бўйича аризани қаноатлантириш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

## **7-боб. Яқуний қоидалар**

27. Мазкур Низомга Ташкилий қўмита томонидан танлов бошлангунга қадар ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

28. Мазкур ўйинлар билан боғлиқ барча ҳужжатлар (материаллар) Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан сақланади.